

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ДАВЛАТ ВА БОЖХОНА ТАШҚИ САВДО СТАТИСТИКАСИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ  
ЙИҒИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 20 сентябрда  
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1717-1]**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 219-модда), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 434-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 11, 01-02/15-23, 31 ва ЭГ-01/10-4715-сон қарори (рўйхат рақами 1717, 2007 йил 20 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 396-модда) билан тасдиқланган Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги **низомага иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат статистика қўмитаси раиси Б. ТУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 3 сентябрь,  
5-мб-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 3 сентябрь,  
01-02//15-26-сон

**Иқтисодиёт вазири Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2013 йил 3 сентябрь,  
42-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 3 сентябрь,  
13-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2013 йил 3 сентябрдаги 5-мб, 01-02/15-26, 42 ва 13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбек тилидаги матннинг 1, 2, 3 ва 5-бандларидаги «маҳсулотлар» деган сўз «товарлар» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. 4-банднинг **иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Туризм бўйича экспорт ва импорт маълумотлари, кириш ва чиқишга оид туризм бўйича туристларнинг харажатлари кузатуви натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.».
3. 5-банддаги «9» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.
4. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан келишилган.

**«Ўзбектуризм» Миллий компанияси раиси Ф. РИЗАЕВ**

2013 йил 3 сентябрь

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 504-модда)*